# КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА КЕНГАШ

(Давоми. Боши биринчи бетда).

* * *

СССР Стандартлар давлат комитетининг раиси **Г. Д. Колмогоров** ахборот берди. Халқ хўжалигини янги, техникавий жиҳатдан кенг кўламда реконструкция қилиш бошланган ҳозирги шароитда, деди у, сифат проблемаси биринчи даражали аҳамият касб этади. Бу эса партия XXVII съездида ва КПСС Марказий Комитетининг 1986 йил июнь Пленумида алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Идораларда мустақил махсус контрол органларининг ташкил этилиши маҳсулот сифатини гўбдан яхшилаш проблемасини ҳал этиш учун энг принципиал чоралардан биридир. Бу нарса корхоналардаги инженер ва ишчи кадрларнинг онгини қайта қуришга, ўн иккинчи беш йилликдаёқ ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг техникавий даражаси ва сифатини оширишда ҳал қилувчи бурилиш ясашга кўмаклашиши лозим. Шу билан бирга давлат қабулининг жорий этилиши ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифати учун тайёрловчидан, унинг контрол хизматларидан масъулиятни соқит қилмайди.

1987 йил 1 январдан бошлаб заводлар ишлаб чиқараётган барча маҳсулотнинг тўла қамраб олинишини таъминлаш мақсадида шу йилнинг октябрь ойидан давлат қабулини босқичма-босқич жорий этиш планлаштирилди. Таъкидлаб ўтилганидек, министрликлар ва идоралар, бирлашмалар ва корхоналар давлат қабулини жорий этишга тайёргарлик юзасидан муайян ишни бажардилар. Аммо министрликлар, бирлашмалар ва корхоналарнинг ҳамма раҳбарлари ҳам вужудга келган вазиятга тўғри баҳо беришмаяпти.

Кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш масаласи давлат қабули органларининг самарали фаолияти учун принципиал аҳамиятга эга. Партиявий принципиаллик, чуқур профессионал билим ва тажриба уйғунлиги давлат қабули органларининг вакили қиёфасини белгилаб беради.

Биз саноат турли тармоқларининг корхоналарида давлат қабулини жорий эта туриб, деди нотиқ, сифатдаги ҳал қилувчи бурилиш программасининг биринчи босқичинигина амалга ошириб, фақат юзадаги резервларни очиб ташлаймиз. Навбатдаги босқич маҳсулотни жаҳон даражасидагига етказишдан иборат бўлиши керак.

Кама оғир юк ташувчи автомобиллар ишлаб чиқариш бирлашмаси (КамАЗ)да давлат қабули органи раҳбари **О. В. Куршев**, «Москва» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори **И. Я. Кременецкий**, «Минудобрения» трестининг Воскресенскдаги ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори **Н. Ф. Хрипунов** «Бакэлектробитприбор» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори **Р. Агаев** ва бошқалар маҳсулотнинг давлат қабулини жорий этиш тажрибаси, янгича ишлашнинг дастлабки ижобий натижалари, саноат корхоналари ва давлат қабули органлари ходимларининг биргаликдаги ишларида юзага келадиган проблемалар тўғрисида гапирдилар. Партия ва ҳукуматнинг бу муҳим тадбири маҳсулотнинг техникавий даражаси, сифати ва пишиқлигини кескин оширишга қаратилган бўлиб, у бирлашмалар, корхоналар ва умуман тармоқнинг иқтисодий фаолияти натижаларига катта таъсир кўрсатиши таъкидланди.

СССР министрлари **В. В. Бахирев, В. М. Лукьяненко, А. А. Ежевский, С. В. Колпаков**, бошқа нотиқлар янги шароитда министрликлар ва идораларнинг ўсиб бораётган роли, ташкил этилаётган давлат қабули органларига амалий ёрдам бериш вазифалари, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг юксак сифатли бўлиши, техникавий даражаси ва пишиқлигини сўзсиз таъминлаш соҳасида биргаликда сарфланадиган куч-ғайратлар тўғрисида гапирдилар.

Украина Компартияси Марказий Комитетининг секретари **Я. П. Погребняк**, Литва Компартияси Марказий Комитетининг секретари **А. К. Бразаускас**, КПСС Москва шаҳар комитетининг секретари **О. А. Королев**, КПСС Куйбишев область комитетининг биринчи секретари **Е. Ф. Муравьев**, КПСС Горький область комитетининг биринчи секретари **Ю. Н. Христораднов**, Украина Компартияси Львов область комитетининг биринчи секретари **В. Ф. Добрик**, КПСС Ульяновск область комитетининг биринчи секретари **Г. В. Колбин**, КПСС Свердловск область комитетининг биринчи секретари **Ю. В. Петров** ўз нутқларида маҳсулотнинг давлат қабулига ўтишга тайёргарлик кўришда, уларнинг ишида амалий вазиятни вужудга келтиришда партия ва касаба союз органларининг ролини таъкидладилар. Маҳсулотнинг давлат қабули органлари учун ва уларнинг ишини йўлга қўйиш учун кадрлар танлашда маҳаллий партия органлари, жамоат ташкилотларининг раҳбарлари давлат етуклиги ва принципиалликни намойиш этишлари зарурлиги уқтириб ўтилди. Меҳнат коллективлари, касаба союзлар ва ёшларнинг куч-ғайратлари барча бўғинларда тартибни ва технология интизомини бутун чоралар билан оширишга, сифатини яхшилашга қаратилмоғи лозим.

Сўнгра ўртоқ **Л. Н. Зайков** нутқ сўзлади. У бундай деди: Бизнинг кенгашимизда партиянинг мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш соҳасида КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил апрель Пленуми ва XXVII съезд ишлаб чиққан стратегик йўлидан бевосита келиб чиқувчи масалалар муҳокама қилинмоқда.

Михаил Сергеевич Горбачевнинг ғоят сермазмун нутқида кенг миқёсли вазифалар қўйилганки, бунда бизнинг жамиятимизда намоён бўлиб қолган ижобий ўзгаришларни мустаҳкамлаш ва кўпайтириш мўлжалланмоқда.

Ҳозир мамлакат ҳаётининг барча соҳаларини қамраб олган туб қайта қуриш совет кишиларининг онги ва кайфиятига сингиб кетди. Бундай қайта қуриш биринчи навбатда социал ишлаб чиқариш муносабатларини янгилашдан, фан-техника тараққиёти ютуқларидан ҳар томонлама фойдаланишга, бошқариш системаси ва хўжалик юритиш негизларини такомиллаштиришга, экономикада туб сифат ўзгаришларига қаратилган тадбирлар комплексидан иборатдир.

Меҳнат ва маҳсулотнинг юқори сифати фан-техника тараққиётининг ишлаб чиқаришни ташкил этиш, унинг маданияти ва интизоми даражасининг умумлашма кўрсаткичидир.

Бунда барча масалалар — ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий характердаги масалалар бир-бири билан узвий боғланиб кетади.

Аслини олганда, кенгашда гап давлат қабули шароитида ишни қандай ташкил этиш тўғрисидагина боргани йўқ. Анча кенгроқ вазифа — мавжуд ресурсларни қандай қилиб яхшироқ ва омилкорлик билан тасарруф этиш, ишлаб чиқаришда тартиб ўрнатиш, меҳнат ва технология интизомини мустаҳкамлаш, иш маромини ошириш, бракчиларга нисбатан муросасизлик вазиятини вужудга келтириш вазифалари қўйилди.

Давлат қабулини жорий этиш — бу шунчаки бир мақсад эмас. Бу ишни ҳозир планлаштириш ва бошқаришни яхшилаш, бирлашмалар, корхоналарни ва бутун-бутун тармоқларни тўла хўжалик ҳисобига, ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаш ва ўз харажатларини ўзи қоплаш принципларига ўтказиш, корхоналарнинг мустақиллиги ва масъулиятини кучайтириш, иш ҳақининг рағбатлантирувчи ролини мустаҳкамлаш юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар комплексидан ажратилган ҳолда кўриб чиқиб бўлмайди. Мана шу ва бошқа кўпгина тадбирлар маҳсулотнинг техникавий даражасини, пишиқ-пухталиги ва сифатини, бутун ишимизнинг сифатини кескин оширишдан иборат пировард мақсадни кўзлайди.

Давлат қабулига ўтиш министрликлар ва идораларнинг, хўжалик раҳбарларининг фаолиятида қарор топган бир қолипдаги усуллардан қатъиян воз кечишни тақозо этади. Бу ҳақда сўзга чиққан кишиларнинг кўпчилиги айтиб ўтишди.

Давлат қабули — таъсирчан, икки томонлама ўткир воситадир. Бир томондан у энг учида ишлашга одатланиб қолган кимсаларга қарши қаратилган бўлса, иккинчи томондан умуман меҳнат коллективининг манфаатларига ҳам қаттиқ зарба уриши мумкин.

Хўжалик механизмини комплекс такомиллаштириш айни шунга қаратилганки, юқори сифатли, аъло меҳнат шу пайтгача бўлганига қараганда анча юқорироқ рағбатлантирилиши ва аксинча, эски ҳаммом, эски тос деганларидек, қандай қилиб бўлмасин планни бажариш, маҳсулот сифати эса ўнинчи даражали иш деган умрини яшаб бўлган принципга ёпишиб олишга уринаётган кимсалар эса зарар кўриб қолишлари керак.

Партия «сифат» тушунчасига кенг маъно бағишламоқда. Сифат маҳсулотнинг юксак техникавий даражаси ва пишиқ-пухталигидангина иборат эмас. Сифат аввало, ишимизнинг услуби, сўз билан ишнинг бузилмас бирлиги, тор маҳкамачилик манфаатлари ва ўткинчи манфаатлардан устун тура билиш демакдир.

Янги йилнинг дастлабки кунлариданоқ хўжалик раҳбарларининг юмушлари кўпаяди, албатта, ўртоқлар. Давлат қабули органлари билан биргаликда маҳсулот етказиб бериш юзасидан шартнома мажбуриятларининг юз процент бажарилиши тўғрисидаги қоида амал қила бошлайди.

Буларнинг ҳаммаси ўзаро боғлиқ иқтисодий тадбирларнинг қаттиқ тугунига бирлашиб, халқ хўжалигида халқимиз партиянинг қайта қуришга қаратилган йўлини тўла-тўкис қўллаб-қувватлаб, актив ёқлаб чиқаётган тартибни йўлга қўйиш учун зарур шарт-шароитни яратиб беради.

Планли социалистик экономиканинг негизи бўлган шартнома интизомини олиб кўрайлик. Биз бундай асосни қандай қилиб мустаҳкамлаш тўғрисида доимо ўйлашимиз керак. Давлат қабули ҳам белгиланган мақсадга эришиш тадбирларидан биридир.

Кўпгина одамлар ҳозирги вақтда министрликлар ва идораларнинг раҳбарлари маҳрум бўлиб қолаётган имкониятларни орзу қилаётганликлари тўғрисида сизларга гапирмасам ҳам бўлади. Уларнинг ихтиёрида узоқ вақтгача шартнома мажбуриятларини бажармасликнинг «имтиёзли проценти» деб аталмиш проценти бор эди.

Бу нималарга олиб келганлигини сизлар билан биз жуда кўп кўрдик.

Бундай практика хўжалик механизмини шунчаки бузиб юборибгина қолмай, балки пировард натижада маҳсулотнинг сифати паст бўлиши планларимизнинг таъсирини пасайтирди ва давлат зарур бўлмаган маҳсулот олди.

Бу ярамас практика ҳозир тўхтатилди.

Бугунги кенгашда давлат қабулини жорий этиш билан бевосита боғлиқ бўлган кишилар, ҳамма даражадаги саноат ходимлари, партия раҳбарлари сўзга чиқдилар.

Бу, ўртоқлар, Марказий Комитет апрель Пленумининг социалистик демократияни ривожлантириш йўлига тўла мос келади. Партия ўзининг ҳамма ишларида доимо халқ оммаси билан маслаҳатлашади, коллектив муҳокама асосида ягона фикрни ишлаб чиқади.

Давлат қабулини жорий этиш контрол қилувчи қўшимча бўғинни ташкил этишдангина иборат бўлмайди. У конструкторлик, технология бўлинмаларининг, план-иқтисод ва таъминот хизматларининг, ишлаб чиқаришни тайёрлаш хизматининг хуллас, ишлаб чиқариш жараёни барча қатнашчиларининг, ишчи, мастер, цех ва корхона раҳбарининг ишларини қайта қуришни тақозо этади.

Биз сифат лойиҳадан бошланиши тўғрисида кўп гапирамиз. Ҳақиқатан ҳам шундай.

Бироқ, энг яхши конструкторлик ечимини эски технологияда рўёбга чиқаришга уриниладиган бўлса, бундан ҳеч иш чиқмайди.

Таассуфки, реал ҳаётда шундай бўлмоқда: конструкция ҳам, илғор технология ҳам унга мос келади, цехда, участкада эса технология жараёни талабларини қўпол равишда бузадилар.

Буларнинг ҳаммаси тартибнинг йўқлигидан, ишлаб чиқариш маданияти даражасининг пастлигидан далолат беради. Биз ишлаб чиқаришни қандай суръат билан янгиламайлик, унинг маданияти ҳамиша асосий ўринда туради.

Давлат қабули шароитида бугунги кунда биз ҳатто илғор корхоналарда ҳам дуч келаётган фактларга, оператив—технология харитасини чизманинг орқа томонига туширилган маршрут чизиқлари билан алмаштириш фактларига мутлақо йўл қўйиб бўлмайди. Кўпгина энергетика, оғир ва транспорт машинасозлиги, станоксозлик корхоналарида, ҳатто баъзи мудофаа тармоқлари корхоналарида ҳам шу вақтгача ана шундай ишламоқдалар.

Штурмчилик, коллективлар ишидаги узилишлар катта иллат ва маҳсулот юксак сифатининг душмани бўлиб қолмоқда. Кўпгина корхоналарда маҳсулотнинг ярми, ҳатто ундан ҳам кўпроқ қисми ойнинг сўнгги ҳафтасида тайёрланаётган бўлса, сифат тўғрисида қандай гап бўлиши мумкин?

Маҳсулотни айни мана шу бир маромда топширмаслик даврида техника ҳужжатларидан чекинишлар кескин даражада кўпаяди, технология операциялари ва ўтишлар бузилади, баъзан эса бутунлай тушириб қолдирилади.

Мен бу ҳақда атайлаб гапиряпман. Давлат қабули технология ва экономика хизматларидан меҳнатни нормалаш масалаларига алоҳида эътибор беришни талаб қилади. Техник жиҳатдан асосланган нормалар ҳар бир бригада, участка, цех иқтисодий ҳаётининг қонуни бўлиб қолиши, аъло сифат учун курашни ва маҳсулотни ҳар бир ишчи биринчи тақдимдаёқ топширишини рағбатлантириши лозим.

Технология циклини сифат жиҳатидан таъминлашда унинг ўлчов, контрол ва синов воситалари билан жиҳозлаш муҳим аҳамиятга эга.

Бир томондан мамлакатимиз энг илғор даражадаги қудратли эталон ўлчов базасига, юксак малакали метролог-мутахассисларга эга. Бинобарин, маҳсулотни ўлчаш ва контрол қилишнинг оммавий воситаларини, шу жумладан ҳисоблаш техникаси қўлланилган автоматлаштирилган қурилмаларни яратиш учун мустаҳкам негиз бордек туюлади.

Ҳақиқатда эса ишлар жуда ёмон аҳволда. Ҳозирги пайтда ана шундай воситаларни 45 та министрлик ишлаб чиқараётганлигига қарамай, халқ хўжалигида уларнинг танқислиги ўткир сезилмоқда.

Академия фани, тажриба ва экспериментал ишлаб чиқаришни оладиган бўлсак, у ерда контрол-ўлчов техникаси билан таъминлаш ишлари янада кескин бўлиб қолди.

Госплан Машинасозлик бюроси билан биргаликда юз берган аҳволни дарҳол аниқлаб, актив контрол воситаларининг самарали маҳсулотларини яратиш, бирлашмалар ва корхоналарнинг, айниқса давлат қабулига ўтаётган бирлашмалар ва корхоналарнинг эҳтиёжларини тўла қондириш чораларини кўришлари керак. Ишлаб чиқаришни замонавий стенд хўжалиги билан тўла жиҳозлаш ҳам жуда муҳимдир. Мисол учун «Красний пролетарий» Москва станоксозлик бирлашмасини олиб кўрайлик. Бирлашмада стендларнинг етишмаслиги энг танг жой эди. Маҳсулотларнинг 10 процентигина биринчи тақдимда топширилганлиги тасодиф эмас. Давлат қабули жорий этилиши билан корхонанинг аҳволи ҳалокатли тус олди. Ҳаётнинг ўзи бирлашма раҳбарларини ана шу проблемаларни ҳал этишга мажбур қилди. Ҳозир исталгандек жадал бўлмаса ҳам, ҳар холда аҳвол яхшиланиб бормоқда. Бу мисол кўпгина раҳбарлар учун яққол сабоқ бўлиши керак, деб ўйлайман.

Автомат ротор ва ротор-конвейер линиялари маҳсулотнинг ҳамиша сифатли бўлишини таъминлашда жуда катта афзалликлар беради. Бунинг устига меҳнат унумдорлигини бир неча ўн баравар оширади.

Давлат қабули шароитида корхоналардаги техника контроли бўлимлари (ОТК)нинг роли ва аҳамияти мисли сиз даражада ортади. Бу хизматлар сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқариш йўлида тўла маънода ўтиб бўлмайдиган ғовга айланиши керак.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг шу масалага тегишли қарорида вазифа айни шу тарзда қўйилган.

ОТК — корхонада маҳсулот сифати учун жавоб берадиган энг сўнгги босқичдир. Мен буни шунинг учун айтмоқдаманки, биз ОТК хизмати билан давлат қабули органлари аниқ ва ҳамжиҳат ҳаракат қилишларига эришмоғимиз керак. Уларнинг ўртасида принципиал негизда ўзаро амалий муносабатлар ўрнатилиши лозим.

Давлат қабули тартибига ўтишга тайёргарлик даврида муайян тажриба тўпланди. Бир қанча корхоналарда бу система ҳозирнинг ўзидаёқ ишлаб турибди, ишлаганда ҳам муваффақиятли ишламоқда. Кадрлар асосан танлаб олинди. Коллективларда зарур тушунтириш ишлари олиб борилди. Норматив ҳужжатлар ишлаб чиқилди. Давлат стандартига мувофиқ конструкторлик ва технология ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш ва уларга аниқлик киритиш, технология жараёнларини такомиллаштириш фаол давом этмоқда. Амалдаги техник талабларга мувофиқ машина-ускуналар, мосламалар ва асбоб-ускуналар аттестация қилинмоқда.

Лекин ҳушёр тортишга мажбур қиладиган жиҳатлари ҳам бор. Кўпгина хўжалик раҳбарлари, шу жумладан министрлар ҳам, йўл қўйиб бўлмайдиган жиҳати шундаки, ҳатто бир қанча республикалар ва областларнинг партия ва совет ходимлари ҳам давлат қабулининг ҳали актив, манфаатдор тарафдорларига айланмадилар, баъзан эса, ҳатто ундан ўзларини четга олиб қочиш йўлларини қидирмоқдалар.

Шундай ҳоллар бўлмоқдаки, айрим министрликлар ўзларининг жуда муҳим маҳсулотларини, халқ истеъмоли товарларини, асосий комплектловчи буюмлар ва улар учун материалларни ишлаб чиқараётган бир қанча бирлашмалари ва корхоналарини давлат қабулидан четга чиқариб қўйишга уринмоқдалар, масалан, Рангли металлургия министрлиги каби министрликлар эса бундай заводларни тармоқ ички истеъмоли учун хом ашё ва ярим тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи заводлар қаторига қўшмоқдалар. Шундай савол туғилади, бундай аҳволга давлат стандарти нима учун тоқат қилади.

Кўпгина партия комитетлари давлат қабули бошланишини очиқдан-очиқ ташвишланиб кутаётганликларини хабар қилмоқдалар. Бугунги кенгашдаги баъзи кишиларнинг нутқларида ҳам ташвиш аломатлари сезилди. Дарҳақиқат, ўртоқлар қабул қилишнинг биринчи босқичида бир қанча коллективлар мушкул аҳволда қолдирилганлигини кўрсатувчи фактлар оз эмас. Лекин шуни аниқ англаш кераккки, корхона барча хизматларининг актив ва сабот билан ишлаши натижасида бу даврни жуда қисқартириш мумкин.

Давлат қабули ишида нормал, ишчанлик вазиятини вужудга келтириш масалаларида маҳаллий партия органлари муҳим роль ўйнайди. Бу органлар партия ва давлатнинг олий манфаатларига асосланишлари, изчиллик ва принципиаллик кўрсатишлари, шу дақиқанинг ўзида кўриладиган наф маҳаллийчиликдан иборат ватанпарварлик, воқеликни безаб кўрсатишга интилиш сабабли давлат қабули томонидан сифатга бериладиган баҳонинг холислигига таъсир ўтказишга уриниб кўрадиган кимсаларга нисбатан қаттиқ талабчанлик қилишлари керак.

Амалга оширилаётган ишда давлат стандартининг ўрни ва аҳамияти тўғрисида алоҳида айтиб ўтиш керак. Унинг позициясига кўп нарса боғлиқ бўлади ва бу позиция фақат бир мақсад — давлат мақсадларигагина мос бўлиб тушиши керак. Бу гап четдан туриб кузатувчининг позициясини эмас, балки принципиалликни, топширилган ишни чуқур билишни англатади. Давлат стандарти тармоқ министрликлари билан биргаликда ишлаб чиқаришнинг ҳамда маҳсулотнинг техникавий даражаси учун, унинг сифати учун тўла-тўкис ва батамом жавобгардир.

Биз касаба союзларидан меҳнат уюшқоқлигини оширишда, маҳсулот сифатини яхшилашда меҳнат коллективларининг ролини кучайтириш юзасидан актив ва собитқадам иш олиб боришларини кутишга ҳақлимиз. Барча ходимларнинг меҳнатга ҳақиқатан ҳам виждонан муносабатда бўлишларига, ишчилар ва инженер-техник ходимларнинг профессионал маҳоратига муносиб равишда ва кенг ошкоралик билан баҳо берилишига эришиш зарур. Фақат юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқарилиши учун зиммасига коллектив масъулиятни олган ҳамда бригада тамғаси билан ишлашга тайёр бўлган илғор бригадаларнинг ташаббуси ва тажрибасини қўллаб-қувватлаб, кенг оммалаштириш керак. Цехларда, участкаларда ва бригадаларда юксак сифат учун ўтказиладиган социалистик мусобақанинг мазмунини ҳам конкретлаштириш, пировард натижалар учун ҳар бир меҳнаткашнинг гражданлик масъулиятини ошириш талаб этилади. ВЦСПС, касаба союзларининг Марказий Комитетлари, Давлат стандарти ташкилотларининг касаба союз комитетлари қабул қилувчи ходимларнинг меҳнати ва турмуши учун нормал шарт-шароитларни яратишга алоҳида эътибор беришлари зарур.

Сифат учун курашда партия Ленин комсомолига, ёшларимизга алоҳида ўрин беради. Ҳар бир комсомол, ҳар бир ёш инсон ўзгартишларнинг актив қатнашчиси эканлигини амалда ҳис этиши лозим. Уларнинг биронтаси ҳам шу ишлардан четда қолмаслиги керак.

Биз кенгашда давлат қабули ишини қандай қилиб самаралироқ ташкил этиш кераклигини муҳокама қилдик. Партия буни маҳсулот сифатини оширишнинг катта резерви, деб билмоқда. Бу ерда айтиб ўтилган ва таклиф қилинган нарсаларнинг ҳаммасини дарҳол барча меҳнат коллективларига, ҳар бир партия, касаба союз ва комсомол ташкилотига етказиш керак.

Партия Марказий Комитети келгуси йилдаёқ сифатни ошириш борасидаги умумхалқ иши халқ хўжалигини интенсивлаш суръатларига сезиларли таъсир ўтказишига астойдил ишонади. Бу ишда биз сизларга умид боғлаймиз.

* * *

Кенгашда ишлаб чиқаришда меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик техникасини кучайтириш билан боғлиқ масалалар комплекси ҳам кўриб чиқилди.

Шу мавзу юзасидан ўртоқ **В. И. Долгих** нутқ сўзлади. У айтдики, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифатини ошириш кўп жиҳатдан технология интизомини мустаҳкамлашга, меҳнатни ташкил этишни яхшилашга, ишлаб чиқаришда ички тартиб ва хавфсизлик техникаси қоидаларига қатъий риоя этилишига боғлиқдир.

Мамлакатимизда бу масалаларга катта эътибор берилмоқда, деди у. Меҳнатни муҳофаза қилиш, унга ижодий тус бериш, барча корхоналарда соғлом ва бехатар иш шароитларини вужудга келтириш юзасидан катта-катта тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўн биринчи беш йилликда шу мақсадлар учун 24 миллиард сўмдан кўпроқ маблағ сарфланди. Ишлаб чиқаришда майиб бўлиш ҳоллари анча камайди.

Шу билан бирга бир қанча министрликларда, жумладан СССР Кўмир саноати министрлигида, СССР Химия саноати министрлигида, СССР Қора металлургия министрлигида, СССР Минераль ўғитлар ишлаб чиқариш министрлигида, СССР Нефтни қайта ишлаш ва нефть химияси саноати министрлигида ва бошқа баъзи министрликларда хавфсизлик техникаси соҳасидаги ишларнинг даражаси ошиб кетган талабларга ҳали мос келмаяпти. Корхоналарда кўпинча технология режимларининг, машина-ускуналарни ишлатиш қоидаларининг бузилишига йўл қўйилмоқда, бу эса авария вазиятини келтириб чиқариши мумкин.

СССР Темир йўллар министрлиги, СССР Денгиз флоти министрлиги, РСФСР Дарё флоти министрлиги, РСФСР ҳамда бошқа бир қанча иттифоқдош республикалар Автомобиль транспорти министрликлари корхоналарининг айрим хўжалик раҳбарлари ўзларининг хизмат вазифаларига бепарволик билан масъулиятсиз муносабатда бўлаётган ҳоллар мавжуд.

Тожикистон, Ўзбекистон, Туркманистон иттифоқдош республикаларининг, Тюмень, Одесса, Магадан, Мурманск, Горький областлари ҳамда бошқа областларнинг корхоналари ва ташкилотларида меҳнатни муҳофаза қилиш ишларида жиддий камчиликлар бор.

Нутқда таъкидлаб ўтилганидек, ишлаб чиқариш шароитлари ўзига хос бўлган корхоналарда: шахталар, руда конлари, химия заводлари ва бошқа заводларда меҳнатни муҳофаза қилиш масалаларига алоҳида эътибор берилиши керак. Атом электр станцияларининг машина-ускуналарини ишлатишда пухталикни ошириш учун кўп иш қилиш лозим бўлади.

Бу ишда министрликлар ва идоралар, ишлаб чиқариш бирлашмалари, корхоналар ва ташкилотлар раҳбарларининг жавобгарлигини кучайтириш зарур. Ишлаб чиқаришда жароҳатланишнинг олдини олиш борасидаги профилактика ишлари ва аввало, технология интизомига, меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги талабларга ғоят қатъий риоя этиш жуда муҳим ўрин олиши керак. Ишчи ва мутахассислар тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини оширишни яхшилаш керак.

Мана шу вазифаларни ҳал этишда давлат контрол органларининг ролини ошириш катта аҳамиятга эга. СССР Саноатда ишларни бехатар олиб бориш устидан назорат қилиш ва кончилик назорати давлат комитети, СССР Атом энергетикасида ишларни бехатар олиб бориш устидан назорат қилиш давлат комитети СССР Граждан авиацияси учишлари хавфсизлиги давлат комиссиясига уларнинг регионал инстанциялари ўз фаолиятини кучайтиришлари, ишлаб чиқаришда юксак даражадаги хавфсизликни таъминлаш масалаларини янада ташаббускорлик ва қатъият билан ҳал этишлари зарур.

Тармоқ касаба союзларининг Марказий Комитетлари, маҳаллий касаба союз ташкилотлари ўзларига берилган ҳуқуқлардан тўлиқроқ фойдаланишлари, корхоналар маъмуриятининг меҳнат шароитини яхшилаш соҳасидаги фаолияти устидан контролни кучайтиришлари керак. Ҳар бир меҳнат коллективида ишлаб чиқариш интизомини ҳар қандай бузишга нисбатан муросасиз муносабатда бўлиш вазиятини вужудга келтиришга қаратилган йўлни изчиллик билан амалга ошира бориш лозим.

Ўлка, область, шаҳар, ва район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари мана шу барча ишларга ташкилотчилик ва раҳнамочилик таъсирини муттасил ўтказиб туришлари керак. Бундай таъсирни аввало, кадрлар орқали, уларни тўғри танлаш ва тарбиялаш, ишлаб чиқариш командирларининг масъулиятини ошириш йўли билан ўтказиш лозим. КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукуматининг меҳнатни муҳофаза қилиш, меҳнат шароитларини, ишлаб чиқаришда хавфсизлик техникасини яхшилаш масалаларига доир қарорлари қандай бажарилаётганлиги устидан партиявий контролни кучайтириш ҳам муҳимдир.

Бу соҳадаги фаол, қатъий иш, деб таъкидлади пировардида В. И. Долгих, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг аниқ-пухта, узлуксиз ишлашини таъминлашга, халқ хўжалигидаги ижобий силжишларни мустаҳкамлашга, КПСС XXVII съездининг мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштиришга қаратилган йўлини муваффақиятли амалга оширишга кўп жиҳатдан ёрдам беради.

(ТАСС).

# СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ МАЖЛИСИ

14 ноябрь куни Кремлда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси А. А. Громико раислигида СССР Олий Совети Президиумининг мажлиси бўлди.

Ўн биринчи чақириқ СССР Олий Советининг олтинчи сессиясини ўтказиш билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди.

Мамлакат давлат ҳокимияти олий органи сессиясининг кун тартиби ва иш тартиби тўғрисидаги таклифлар муҳокама қилиниб, маъқулланди.

СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1987 йилги Давлат планини ҳамда 1986 йилги плани қандай бажарилаётганини, 1987 йилги Давлат бюджетини ва 1985 йилги бюджетнинг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни дастлабки тарзда кўриб чиқиш юзасидан СССР Олий Совети палаталари план-бюджет ва бошқа доимий комиссияларининг иши тугалланганлиги тўғрисидаги масала тингланди. Палаталар доимий комиссияларининг топшириғига биноан СССР Олий Совети Миллатлар Совети План-бюджет комиссиясининг раиси Н. И. Масленников ахборот берди.

СССР Халқ контроли комитетининг фаолияти тўғрисидаги ҳисобот материалларини дастлабки тарзда кўриб чиқиш ишлари тугалланганлиги ҳақида СССР Олий Совети палаталари қонун лойиҳаларини тайёрлаш комиссияларининг ахбороти кўриб чиқилди. Шу масала юзасидан мажлисда Миллатлар Совети Қонун лойиҳалари тайёрлаш комиссиясининг раиси В. П. Миронов сўзга чиқди.

Якка меҳнат фаолияти тўғрисидаги СССР қонун лойиҳаси ҳақида қонун лойиҳалари тайёрлаш комиссияларининг ахбороти ҳам тингланди. Иттифоқ Совети Қонун лойиҳалари тайёрлаш комиссияси раисининг ўринбосари А. А. Титаренко сўзлади. Бу қонун лойиҳасини СССР Олий Советининг олтинчи сессияси муҳокамасига топширишга қарор қилинди.

Мажлисда Президиумнинг СССР Олий Совети бешинчи ва олтинчи сессиялари ўртасидаги даврда қабул қилган Фармонларини СССР Олий Советининг тасдиғига киритиш тўғрисидаги масала муҳокама қилинди.

Президиум 1986 йил 26 сентябрда Венада имзоланган ядро аварияси тўғрисида оператив хабардор қилиш ҳақидаги Конвенцияни ҳамда ядро аварияси ёки радиацион авария вазияти рўй берган тақдирда ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги Конвенцияни ратификация қилиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқди.

Шу конвенцияларни ратификацияга тақдим этган СССР ҳукумати номидан СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Б. Е. Шчербина доклад қилди. Муҳокамада: СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосарлари — Украина ССР Олий Совети Президиумининг Раиси В. С. Шевченко, Белоруссия ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Г. С. Таразевич ва Литва ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Р.—Б.И. Сонгайла, СССР ташқи ишлар министрининг ўринбосари В. Ф. Петровский, СССР атом энергетикаси министрининг ўринбосари Л. М. Воронин қатнашдилар.

Докладда ва мажлис қатнашчиларининг нутқларида конвенциялар, уларнинг ядро энергиясидан тинч фойдаланишдек ҳаётий муҳим ва истиқболли соҳада давлатларнинг ҳамкорлигини ривожлантириш учун бўлган аҳамияти батафсил таърифлаб берилди.

Конвенцияларни ишлаб чиқиш чоғида совет томони собитқадамлик ва тадбиркорлик билан иш тутганлигига, бошқа мамлакатларнинг позициялари ва хавотирликларини ҳисобга олганлигига эътибор қаратилди. Музокаралар чоғида Совет Иттифоқи ядро аварияларининг ҳамма ҳолатлари, хусусан, ҳарбий объектлардаги, ядро қуроли билан ва ядровий синовлар пайтидаги аварийлар ҳақида хабардор қилишга тайёрлиги оператив хабардор қилиш тўғрисидаги Конвенция руҳига мос келадиган конкрет ҳаракатлар билан яқинда тасдиқланди.

Бу битимларнинг тузилиши ишончни вужудга келтириш учун ҳам муҳим бўлиб, хавфсизлик масалаларига ҳам тааллуқли аҳдномаларга эришиш реал равишда мумкинлигини яққол тасдиқлайди. Совет Иттифоқининг фикрича, МАГАТЭда қўйилган қадамлар, шу жумладан мазкур конвенцияларнинг ишлаб чиқилиши халқаро миқёсда ядро энергетикасининг мустаҳкамлигини таъминлаш соҳасидаги муҳим босқичдир.

Атом энергиясидан тинч мақсадларда барқарор ва хавф-хатарсиз фойдаланишни таъминлаш ишида МАГАТЭнинг, шунингдек, БМТнинг ҳамда унинг Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, ЮНЕСКО, Атроф-муҳитга оид Программа сингари ихтисослаштирилган муассасаларининг ролини ошириш зарурлиги уқтириб ўтилди.

А. А. Громико бўлиб ўтган фикрлашувларни якунлаб, ядро энергетикаси билан шуғулланувчи барча мамлакатларнинг мустаҳкам ҳамкорлиги асосида ядро энергетикасини хавф-хатарсиз ривожлантириш халқаро режимини вужудга келтириш тўғрисида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев ўртага қўйган таклифлар дунёда кенг миқёсда қўллаб-қувватланганини алоҳида таъкидлади. МАГАТЭнинг Бош конференцияси шу йил сентябридаги махсус сессиясида мана шундай режим асослари ишлаб чиқилди. Биз бу ишда қатнашган барча мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар сарфлаган куч-ғайратлар учун улардан миннатдормиз. МАГАТЭда шу қадар қисқа муддатда иккита халқаро конвенция тайёрланганлиги —давлатлар сиёсат ва экономика, фан-техника ва гуманитар жиҳатлар кўпинча чирмашиб кетадиган мураккаб проблемаларни ҳал этиш йўлларини биргаликда қидириб топа олишларининг яққол мисолидир. Совет Иттифоқи ядро қуролини батамом ва ҳамма жойда тугатишнинг биз таклиф этган программасини рўёбга чиқариш учун ўзига боғлиқ бўлган ҳамма ишларни бундан буён ҳам қилаверади. Ядро энергетикасини хавф-хатарсиз ривожлантириш режими ҳам ялпи хавфсизликни таъминлаш ишига салмоқли ҳисса бўлиши мумкин ва лозим.

СССР Олий Совети Президиуми ядро аварияси тўғрисида оператив хабардор қилиш ҳақидаги Конвенцияни ҳамда ядро аварияси ёки радиацион авария вазияти рўй берган тақдирда ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги Конвенцияни бир овоздан ратификация қилди.

Кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилишда Д. А. Кунаев, В. В. Шчербицкий, П. Н. Демичев, Б. Н. Ельцин, Н. Н. Слюньков, Ю. Ф. Соловьев ўртоқлар қатнашдилар.

(ТАСС).

# СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ СЕССИЯСИ АРАФАСИДА

14 ноябрь куни Москвада СССР Олий Совети палаталари доимий комиссияларининг СССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш 1987 йилги Давлат планини ҳамда 1986 йилги план қандай бажарилаётганлигини, 1987 йилги Давлат бюджетини, 1985 йилги бюджетнинг ижроси ҳақидаги ҳисоботни дастлабки тарзда кўриб чиқишга бағишланган якунловчи мажлислари бўлди.

План ва бюджет юзасидан хулосалар, шунингдек комиссияларнинг қўшимча докладлари кўриб чиқилиб тасдиқланди, бу ҳақда сессияда қўшимча доклад қилиш СССР Олий Советининг Иттифоқ Совети ва Миллатлар Совети План-бюджет комиссиялари раисларига топширилди.

План лойиҳасини кўриб чиқиш вақтида комиссиялар халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ва реализация қилишни, бюджет даромадларини кўпайтириш имкониятини қидириб топдилар ҳамда қўшимча маблағларни шаҳар ва посёлкаларни ободонлаштиришга, соғлиқни сақлаш, халқ маорифи ва маданият муассасаларининг биноларини капитал ремонт қилишга, посёлка ва қишлоқ Советларининг моддий-техника таъминотини яхшилашга сарфлашни таклиф қилдилар.

Шу куни Иттифоқ Совети ва Миллатлар Совети Қонун лойиҳалари тайёрлаш комиссияларининг қўшма мажлиси бўлди. Мажлис қатнашчилари СССР Халқ контроли комитетининг фаолияти масаласи ва якка меҳнат фаолияти тўғрисидаги СССР Қонуни лойиҳаси масаласи СССР Олий Советининг сессиясида кўриб чиқилажаги муносабати билан СССР Халқ контроли комитетининг фаолияти тўғрисида комиссияларнинг қўшимча докладини, якка меҳнат фаолияти тўғрисидаги СССР Қонуни лойиҳаси юзасидан хулоса ва қўшимча докладни маъқулладилар.

(ТАСС).

